

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Учкудук тумани Ободонлаштириш бошқармаси Низом асосида иш кўрувчи Ф. Хасанов бир томондан ва кейинги ўринларда Пудратчи" деб юритиладиган Учкудук ТИФУК номидан Устав асосида иш кўрувчи Э. Муминов иккинчи томондан бошқарма балансидаги Учкудук тумани «Дўстлик» МФЙ Мухтор Абзоров кўчасини жорий таъмирлаш ишлари бўйича қуйидаги шартномани туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойиҳага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш лаврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйиладиган;

вақтинчалик ишхоналар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонини ўрнатилган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва ишхоналар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийمатини аниқ белгилеган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Учкудук тумани «Дўстлик» МФЙ Мухтор Абзоров кўчасини жорий таъмирлаш ишлари лойиҳасида кўзда тутилган ҳолда қурилиш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шартнолар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, таълим сифатида натижада аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил 3 июндаги №-93449 -сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **241 856 098 (Икки юз қирқ бир миллион саккиз юз эллик олти минг тўрт юз саккиз)** сўмига таъкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқишнинг мумкин эмас, қуйидаги ҳоллардан бундан муҳтасаб:

қурилиш қийматини қўпайтиришга еттиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда қўзда тутилган ҳолатлардан бундан муҳтасаб);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Теллиш асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида агроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектининг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молциялаштириш жадвалига биноан Пудратчига мувофиқ аванс бериш ва жорий молциялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвергация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга кирлади.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молциялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга кирилади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан беш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматиининг 30 (%) қисми миқдорида аванс ўтказди, бу 72 556 829 сум 40 тийин (Еттиши икки миллион беш юз эллик олти эллик саккиз юз йигирма туккиз) сўми 40 тийини ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилилиши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасига бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу

ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда таъкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга рўйя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир ҳақда Пудратчига ортқича туپрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган туپроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектуручилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очинишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўнайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиб

тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) яқс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдиларидан қоникмасе, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосла равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳолисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этсе, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озол этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутавосиб ҳажмида узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўн вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни қонсервация килиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килилишини талаб килишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи: барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини.

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама даволатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган даволатномани тузиндан ёки имзоланидан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишқонсуҳат" бўғинлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжатик судига мурожаат килилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг боғланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўн вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жаadwalита рноя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларинда назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килилишини талаб килиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килилишини талаб килиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор килилганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларини риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортиганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги қорак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечиктириш туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Дашархитектуриланишқозорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва ўрнини учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,3 фоизи миқдоридан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдала ифодаланадиган пеня билан қопламаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзиқчалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотлади.

51. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, биров-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш савасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусxada тузилди.

57. Шартнома имзоланиб Ҳазначилиқдан руйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга кирати ва амал қилиш муддати "31" декабр 2022 йилгача ҳисобланади.

ХVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

ПУДРАТЧИ

Учқудук ТЙФУК

Юридик манзилгоҳ: Йулчилари 1 уй
Хр: 2021 0000 5003 0638 4001

Банк номи: Миллий банк Учқудук Филиали
Банк коди: (МФО) 00880

ИНН: _____
ХХТУТ: 61110

БУЮРТМАЧИ

Учқудук Ободонлаштириш бонқармаси

Юридик манзилгоҳ: Чўл гули кўчаси 29-уй
Хр: 401 722 860 122 487 065 200 110 006

ИНН: 206 908 433

Банк номи: Марказий Банк Тош. шХКМ
Банк коди (МФО) 00014

Ҳазначилиқ бўлими Учқудук туман

ЯҲХ: 2340 2000 3001 0000 1010

ИНН 201 122 919

ХХТУТ: 00001

Рахбар Э. Муминов
(ф.и.о.)


(имзо)

Рахбар Ф. Ҳасанов
(ф.и.о.)

М.У



Юридик ҳужжат: Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунарига ва нормаларига хужжатларига мос равишда тузилган.

_____ ф.и.о.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ LQ45815888

1. Loyihaning turi

Shartnoma.

2. Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi № 62

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Uchquduq tuman hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi. 08.06.2022 yil.

XULOSA

Ushbu Uchquduq tuman hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi va Uchquduq tuman yo'llardan foydalanish unitar korxonasi bilan o'zaro tuzilgan "Do'stlik" MFY hududidagi M.Avtzov ro'chasidagi yo'llarni joriy na'mirlash togrisidagi shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 37-bob, 631-655-moddalari yana "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi Nizom" talablariga rioya qilingan (hujjat tartib raqami 3016), talablariga javob beradi, qabul qilinishi ko'zda tutilayotgan mazkur loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
boshlig'i:



U.To'raev
08.06.2022 yil.